

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 20 APREL, shanba № 48-49 (14540)

«УНИВЕРСИАДА — 2002»


Баҳор ўз сепини ёйган шу кунларда қадим Бухоронинг қоқ маркази минглаб қурувчилар билан гавжум. Уларнинг ҳар бирининг юмуши аниқ, мақсади ягона: «Бухоро» ўйингоҳини «Универсиада — 2002»га ўз вақтида топшириш! Бир йилдан сал кўпроқ вақтдан буён қурилатган ўйингоҳдаги бажарилган ишлардан бугун лойиҳачи-ю, қурувчилар, ишбошиларнинг кўнгиллари тўқ. Уч қаватли бинонинг фақат пардозлаш ва пайванд ишлари бажарилса, бас. Мингдан зиёд бунёдкор шу мақсад йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Хўш, янги «Бухоро» ўйингоҳи нимаси билан илгаригисидан фарқ қилади? Бу саволимизга вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Раҳим Ҳайдарзода аниқ жавоб берди.

— Ҳаммаси лойиҳадан бошланади, — деди у, — илгари нари борса 5-6 минг томошабин жойлашадиган бу ўйингоҳда эндиликда роппоса 22 мингта ўриндиқ бўлади. Меъморий счимлари бошқачалигини таъкидлама-сам ҳам бўлади. Яхшиси, мана бу макетга қаранг.

Ўйингоҳнинг асосий қирши қисмида катта фаввора. У сувни тўртта томонга

Янги «БУХОРО» ўйингоҳи



Абдугани ЖУМАЕВ олган суратлар

гумбаз шаклида отади. Унинг икки ён томонида чиптахоналар. Илгариги ўйингоҳда атиги уч ердан кирилса, янгисидан эса ўн та дарвоза бўлади. Бундан ташқари, тамадхоналар, савдо расталари, гулу гулзорлар, спортчилар учун барча зарурий хоналар, хуллас, кўҳна шаҳарда хавас қилса арзиғулик ўйингоҳ қурилмоқда. У асрлар давомида ўзининг нақшинкор жилосини

кўз-кўз қилиб келатган ўнлаб тарихий обидалар билан бўйлаша

олади. Ўйингоҳ қурилишида иккинчи «Бухорожамоақурилиш», «Вилоят қурилиш», «Бухоро-уйқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаларига қарашли туман бўлимлари, «Тошкентнефтьгазқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг «Монтажчи» шўъба корхонаси жамоалари, айниқса фаолилик кўрсатмоқдалар.

— Ўйингоҳнинг биринчи қавати деворларини Эрондан келтирилган пардозбоп гишт билан безатаямиз, — дейди биринчи «Вилоятқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси раисининг ўринбосари Незмат Бобопиров. — Бу ишни дастлаб, эронлик усталар бажаришди. Ҳозир уларга эҳтиёж қолмади, йигитларимиз улардан ўзиб кетишди.

ёш спортчиларни «бағри»га олишга шайланмоқда

— Ўйингоҳни ёритиш муаммоси ҳам ҳал бўлган. Баландлиги эллик метр бўлган тўртта ёриткич ўрнатил-

моқда. Қурилмани тайёрлашни Навоий конметаллургия комбинати ўз зиммасига олган. Лойиҳачилар Бухоро иқлимни ҳисобга олиб, майдонда томошабин ўтирадиган қисмининг тенг ярмини қуёш нури, ёгин-сочиндан пана қилиш мақсадида учинчи қаватда профнастилдан соябон ўрнатишни ҳам унутишмаган. Соябон металл қурилмалари вазни 240 тонна, унинг тағости— рух қопламалар эса 100 тонна келади. Уни ўрнатишни тошкентлик мутахассислар ўз зиммаларига олишган. Шунингдек, хориж стадионларидагидек телерепортажлар тайёрловчи журналистлар учун ҳам ҳамма қулайликлар яратилади. Ўйингоҳда Голландиянинг «Pilups» фирмасига тегишли узунлиги ўн икки, бўйи тўққиз метр келадиган улкан табло ўрнатилади. Ҳа, мамлакатимиз ёшларининг «Универсиада — 2002» мусобақалари ўтадиган ушбу ўйингоҳ яқин кунлар ичида тантанали равишда фойдаланишга топширилади.

Саидбурҳон КОДИРОВ, «Turkiston» муҳбири

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган маҳалла болалари ўртасидаги футбол бўйича мусобақа юртдошларимизнинг эътиборини қозонди.

Ҳар йилги ёз нафақат мамлакатимиз болалари учун, балки уларнинг ота-оналари, айниқса маҳалла фаоллари учун ҳам ҳақиқий футбол мавсумига айланмоқда. Биргина ўтган йилги уч босқичли мусобақада ҳар бир маҳалладан камида уч жамоа иштирок этди. Бу ёз давомида 1 миллиондан кўпроқ бола футбол баҳсларида иштирок этганларидан далolatдир.

«Футболимиз келажаги» мусобақасига бу йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси футбол Федерацияси, «Ўзтелерадио» компаниясининг «Ёшлар» телеканали «Давр» инфор-мацион дастури, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Экосан» халқаро жамғармалари ҳам ҳомийлик қила бошлади. Турнирнинг оммавийлигини оширишда бу ташкилотлар саъй-ҳаракати катта роль ўйнамоқда.

Мусобақани ўтказишдан бош мақсад — маҳалла болаларини футбол ўйинига кўпроқ жалб этиш ва бу орқали мамлакатимиз футболнинг келажига замин яратишдир. Шу маънода ўтган мусобақалар ўз самарасини кўрсатди. Энг муҳими, футбол болалар орасида оммавий тус олди. Футбол мутахассислари учун болалар орасидан келажакнинг иқтидорли футболчиларини аниқлаш учун имкон берди.

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташкилий қўмитаси ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, Ички ишлар вазири ўринбосари Ботир Парпиев ва бошқалар қатнашиб, маъруза қилдилар.

Воҳид СУННАТ, «Turkiston» муҳбири

22 АПРЕЛЬ — БУТУНЖАҲОН ЕР КУНИ

ОНА-ЗАМИНИМИЗ БИТТА

XX асрда дунё календаридан атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишланган махсус кунлар кўпайди

Ана шундай махсус кунлардан бири баҳорда нишонланадиган Ер кунидир. Уни илк бор 1970 йил 22 апрель куни АҚШлик фуқаролар нишонлади. Уларнинг асосий мақсади она заминга инсон томонидан ўтказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ҳамда табиатни барча гўзалликлари билан келажак авлодга қолдириш эди. Ана шу мақсадда ўтказилган тадбирда 20 миллиондан ортиқ АҚШ фуқаролари қатнашди. Уларнинг талаблари билан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида махсус қонун қабул қилиниб, Давлат муассасаси ташкил этилди.

АҚШда бошланган ушбу хайрли тадбир йиллар ўтиши билан сайёрамиз бўйлаб кенг тарқала бошлади. 1990 йили 141 мамлакатдан 200 миллиондан ортиқ киши Ер кунига бағишлаб ўтказилган турли конкурс, ҳашарларда иштирок этишди. Ушбу рақамларнинг ўзидаёқ экологик муаммолар чегара билмаслиги, уни бартараф этишда дунё халқлари бирлашишлари кераклиги кўриниб турибди. Шу ўринда олимларимизнинг: «Экологик муаммолар инсонларни бирлаштириш учун вужудга келди», — деган эътирофлари ҳақиқатга яқинлигини кўрамади.

Дунёнинг ажралмас бўлаги бўлган Ўзбекистонда ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Республикаимизда давлат муҳофазасида бўлган ерлар 4 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич бошқа

давлатларга солиштирганда кам. Шундай бўлса-да, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий аҳолининг муҳофаза остидаги ҳудудларга таъсири катта бўлмоқда.

Инсон фаолиятининг табиатга таъсирини камайтириш мақсадида Фарбий Тяньшан биологик хилма-хиллигини сақлаш давлатлараро лойиҳаси иштирокчилари Чотқол биосфера қўриқхонаси атрофида яшайдиган аҳоли пунктларида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бирмунча вақт илгари Паркент шаҳрида ўтказилган Заркент, Сўқоқ, Бошқизилсой, Чангитхисарак ва бошқа қишлоқ фуқаролари йиғинлари фаоллари семинарида Ер кунини нишонлаш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ ҳар бир қишлоқда кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш каби турли конкурс-лар ўтказилади. Ушбу тадбирнинг энг фаол қатнашчиларини 21 апрель куни Паркент шаҳрида тақдирлаш кўзда тутилган.

Ер кунини муносабати билан республикамизнинг ҳар бир маҳалла, овул ва қишлоқлари аҳолиси ўз ҳудудларида экологик тадбирлар ўтказса, она табиатни сақлаб қолишга қўшган энг катта ҳиссаси бўлар эди.

Ҳасан ТУРСУНОВ, ТАСИС лойиҳаси эксперти. Шодиёр ЭШАЕВ, талаба

«КАМОЛОТ»ДАН МИННАТДОРМАН

Мен Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида истиқомат қиламан. Таҳририятга мактуб ёзишдан мақсадим, Ҳаракатимиз Қашқадарё вилояти Кенгаши ходимларига ўз миннатдорчилигимни етказишимдир.

Ҳаётда бир марта қоқилган одамнинг эса қайта ҳаёт бошлаши жуда қийин бўлар экан. Қизим Григория Заренкова билан бунини тушуниб англадим. Бизга беминнат ёрдам кўрсатиб, жамоага аралашшимизда, меҳнатда фаолият кўрсатишимизда далолат бўлган вилоят «Камолот»чиларидан бир умр миннатдоримиз. Улар кечани кеча демасдан, ёшлар билан ишлайди, муаммоларини ўрганади. Қараб туриб, уларга ҳурматим ошди. Хайриятки, шундай фидойи инсонларимизнинг борлиги кўнгилни кўтаради.

Ҳурмат билан: Дарья ЗАРЕНКОВА

Бу  **СОНДА:**

456-бетларда  **DASTURLARI**

2-бетда **ЖАЁТ ҲАҚИҚАТИ**

7-бетда  **Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ**
ХУШ ҚОЛ...

3-бетда **КЕЛАЖАКНИ ЁРИТУВЧИ ЧУГ**

8-бетда  **УЗОҚАБ КЕТАДИМИЗ**

Izlanish, yangilik, kashfiyot

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

ёки Хоразмда амалга оширилган юрак жарроҳлиги

Қаландар Бобожонов Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Тиббиёт фанлари номзоди. Бу инсоннинг соғлиқни сақлаш соҳасига кириб келишининг ўзи эзгулик ва қабиҳлик аро курашларни акс эттирувчи бир қиссадир. У дастлаб шифокор сифатида иш бошлаганида айрим ҳамкасблари томонидан уквусиз ва билимсизликда айбланар, ҳатто “Сендан ҳеч қачон тузукроқ шифокор чиқмайди”, деган дашномларни очикчасига эшитиб қоларди. Буларнинг барчаси мансаб курсисидан айрилиб қолишдан қўрқадиган кимсаларнинг дийдосидан бошқа нарса эмас эди.

У Украинадаги Киев Давлат юрак-қон томирлари илмий-текшириш институтига ишга кирди. Шу ерда номзодлик диссертациясини ёқлади. Номи жаҳонга машҳур юрак жарроҳлари билан танишди, фикр алмашди, билим олиб, тажриба орттирди. Европанинг талайгина мамлакатларида малака оширишга муваффақ бўлди.

1993 йилнинг охирида Қаландар Бобожонов Урганчага келиб, юрак операциясига қўл уради. Бу, албатта, Ўзбекистон тиб-



биётида вилоятларда амалга оширилган биринчи юрак жарроҳлиги бўлиб тарихга кирди, десак, янглишмаймиз. Муваффақиятли чиққан ушбу операция воҳада юрак жарроҳлиги марказини ҳеч иккиланмасдан очиб мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун, аввало, зарур маблағлардан ташқари тажрибали мутахассислар тайёрлаш лозим эди. Ўта нозик ва мураккаб бу тур жарроҳлиги жараёнида иштирок қилувчи оддий ҳамшира ва лаборантлар ҳам чуқур билимга эга бўлмоғи жоиз.

Буни ҳисобга олган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 1995 йилда йигирма нафардан иборат гуруҳни Киев Давлат юрак-қон томирлари илмий-текшириш институтига малака оширишга жўнатди. Гуруҳ раҳбарлигига Қаландар аканинг умидли шогирди Маткарим Собиров тайинланди...

Айни пайтда Қаландар ака Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги юрак жарроҳлиги марказининг раҳбари бўлиб ишламоқда. Хоразмдаги ана шундай марказни эса унинг шогирди Маткарим Собиров бошқармоқда.

Ҳозирги кунда бундай марказ республикамизнинг фақат икки жойида — Тошкент ва Урганчада иш олиб бормоқда. Урганчадаги юрак жарроҳлиги маркази 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, фан техниканинг энг сўнгги ютуқлари асо-

сида ишлаб чиқарилган хорижий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда туғма ва орттирилган юрак нуқсонларининг очик ва ёпиқ турдаги жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Беш йил мобайнида бир неча юз беморлар ушбу маскандан ўз дардига малҳам топган. 250 нафар беморда жарроҳлик амалиёти очик усулда, яъни юракда сунъий қон айланттириш аппарати воситасида бажарилган.

— Марказимизда, — дейди биз билан суҳбатлашаркан бош кар-



диолог Маткарим Собиров, — тарада, фалло-радикал коррекцияси, иккала клапанни протезлаш, магистрал қон томирларининг транспозицияси, эбштейн анамалияси, ўпка веналарининг тўлиқ анамал уренажи каби ўта оғир нуқсонларни бартараф этувчи жарроҳлик амалиётини ўтказяпмиз. Кардиохирургия соҳасида илгор тажрибаларга эга давлатлар билан ҳамкорлигимиз ривожланиш босқичига кирди.

Албатта, эътироф этиш жоиз, беш йил муқаддам Урганчада тор бир доирада бошланган кардиохирургия эндиликда тараққиёт омиллари эга. Бу ерда бугунги кунда республикамизнинг турли вилоятлари, ҳатто қўшни қарлош мамлакатлардан ҳам беморлар ташриф буюриб, дардларига малҳам топмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тизимнинг тараққиёти мамлакатимизда тиббиёт илмининг тобора юксалиб бораётганидан дарак беради. Шу боисдан ҳам юрак жарроҳлигини Ўзбекистон тиббиётида юз берган улкан “сақраш” дир, дея эътироф этсак арзийди.

Эрпўлат БАХТ,
«Turkiston» муҳбири

Ёшлиқни оппоқ ёғдуларга қоришган тонгга ўхшатгим келади. Юртимизда ўз билими ва салоҳиятига эга бўлган ёшлар кўпчилиги ташкил этади. Ана шундай йигит-қизларнинг фикр, мулоҳазалари, орзу-ўйлари, муаммо ва истакларини ўз саҳифаларида ёритиб келаётган Ёшлар телеканалнинг “Ёшлар овози” кўрсатуви номига кўплаб мактублар келмоқда.

Аксарият мактубларда мухлислар ўз ижод намуналаридан юбориш билан бирга, ўзларига маъқул бўлган кўрсатуви, лавҳалари тўғрисида мулоҳазаларини ёзиб юборишган.

Самарқанд вилояти, Гўзалкент тумани, Қорасув қишлоғида истиқомат қилувчи

Зулайхо Садинова ўз мактубида шундай дейди:

“Мен сизларнинг кўрсатувингизни жуда яхши кўраман. Айниқса, истеъдодли тенгдошларимга ҳавасим келади. Жарангдор овозли ёшлар қаторида юксак орзулар сари интилаётган ёшлар ҳам бор...” деб ўз истакларини баён этади.

Кўрсатув саҳифаларида мамлакатимизнинг узок қишлоқларида яшаётган ёшлар ҳаёти мунтазам бериб борилапти.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан мухлисимиз Замира Мамадалиева мактубида ўзи таҳсил олаётган мактабнинг таъмирга муҳтож эканлигини куюниб эътироф этади. Кўрсатув ижодкорлари бу каби муаммоларни ечишда изланишлар олиб боришяпти. Масалан, “Ёшлар овози” кўрсатувининг бир сонидан Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги “Бегойим” тикув цехи ҳақида, бу ерда хизмат қилаётган ёшлар тўғрисида сўз юритилиб, цех жойлашган бино аянчли аҳволдалиги таъкидлаб ўтилган. Мазкур лавҳадан сўнг, мутасадди ташкилотлар бу масалани кўриб чиқиб, цех учун янги бино ажратишибди.

Бугунги кунда ўрта махсус касб-хунар муассасаларида, академик лицей ва коллежларда кўплаб ёшлар таҳсил олишмоқда. 9-синфни тугатаётган

ўқувчи бирор бир таълим масканига киришдан олдин бу масканининг шарт-шароитлари, имкониятлари билан қизиқади. Сирасини айтганда, “Ёшлар овози”нинг деярли ҳар бир сонидан коллежлар ва у ерда таълим олаётган ёшлар ҳаёти ёритилади.

ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Жарқўрғонлик Гулзода Чориева мазкур йилнинг 14 февраль кунини эфирга узатилган хотин-қизлар коллежи тўғрисидаги лавҳадан сўнг, бу коллежнинг аниқ манзилини сўраб мактуб ёзибди.

Кўрсатувнинг “Булоқ кўз очди...” саҳифаси қанчадан қанча истеъдодли ёшларни кашф этипти, десак янглишмаймиз. Мактублардан ҳам кўриниб турибдики, ўз ижод йўлини қидираётган тенгдошларимиз кўрсатув номига назмий ва насрий машқларини юборишган. Самарқанд вилояти Боғишамол туманидан Севара Хусаинова, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидан Бекпўлат Худойбергенов, Сурхондарё вилояти Денов туманидан Гулноза Тўлаганова, Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидан Шахло Фидаева, Наманган вилояти Чуст туманидан Фарход Роҳатов сингари ёш қаламкашлар ижод намуналарини йўллашган. Кўрсатув ижодкорлари келаётган хатларни ўрганиб, шулар асосида иш олиб боришга интилишмоқда.

Кўрсатувга ҳақиқий маънода ёшлар овозини беришда Эшқобил Шукуров, Олим Тошбоев, Элмурод Холбозоров,

Олим Ўсаров, Кенжа Бекжонов, Азиза Ботирова, Райҳона Ҳошимова каби ижодкорларнинг ҳиссаларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Маҳоратли режиссёрлар Шавкат Исмоилов, Азим Саидов, Дониёр Содиков, Музаффар Аҳмедов, Абдумалик Шерматов, Баҳодир Камоловлар ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда.

Кўрсатувнинг ёшлар қалбига йўл топишида бошловчиларга ҳам катта масъулият юкланади. Дилшоода Матжоновна,

Дилдора Шамсиева, Наргиза Азимова, Дилноза Қаюмова,

Азиза Даминова, Шаҳноза Эрнарарова, Фаррухбек Олимов каби бошловчиларни мухлис-

лар жуда яхши танишади. Ҳар бир соҳага доир лавҳалар, суҳбатлар, репортажларни мамлакатимизнинг турли нуқталаридан туриб, сиз — томошабинларга тақдим қилаётган мухбирлар ҳам ҳар доим изланишда. Табиатни муҳофаза қилиш, экология, сув, гиёҳвандлик ёхуд бошқа муаммо бўладими, маънавий-маданий соҳада қилинаётган ишларми уларнинг ҳар битасида ўзига хос ёндашув бор. Изланувчан ижодкорлар ҳар бир материални бетакрор ва қизиқарли қилиб тайёрлашга уринишади.

Хоразм вилояти Гурлан туманида истиқомат қилувчи Мунира Шамуратова ўз хатида шундай ёзади: “...Менга “Ёшлар овози” жуда ёқади. 31 январь кунини берилган нонвойлар тўғрисидаги лавҳа, айниқса, маъқул бўлди...”

Бундан кўриниб турибдики, ҳеч бир лавҳа ёшлар, мухлислар эътиборидан четда қолган эмас. Ёшлар, билан энг яқин маслақдош бўлишга интилаётган кўрсатув ижодкорлари доимо ҳаракатда. Деярли ҳар кун “Ёшлар овози” юртимиз хонадонларига кириб, унда ёшларнинг овози янграмоқда.

Амрулло КАРИМ

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТИ

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Тўғриси, Ольга Чилинага ҳавасим келди. Биринчидан, у наврўз байрами нишонланадиган — 21 март кунини туғилган. Иккинчидан юртимиз талабалари ўртасида энг аълочилардан ҳисобланади. Учунчидан, ҳаммага насиб қилавермайдиган шижоат, интилиш, қўзланган мақсадига эришиш унинг табиати-га хос фазилат. Тўртинчидан, у юртимиз талабалари ўртасида энг омаддилардан саналади, ҳамма орзу қиладиган Президент стипендиясини олади.

Ольганинг жуссаси кичик, орзулари бир дунё Янаям ҳайратланарлиси, келажакда математика билимдони бўлишни хоҳлайди. Сир эмас, кўпчилик математикани оғир фан, деб ўйлайди. Муштдеккина жуссаси билан математикадек оғир фан йўналишини танлаганидан қойил қоласан бу қизга. Аммо Ольганинг ўзи бу фанни ноним, сувим, иссиғим ва совуғим, деб атайди. Менимча, Ўзбекистон Миллий университетининг механика математика факультетида ўқиганидан кей-

ин, худди шундай бўлишинг шарт. Ольга Чилинанинг доимий шиори бу.

— Мен, — дейди ниҳоятда камтарлик ва соддалик билан у, — Президент стипендиясини киме, биология, физика, математика йўналиши бўйича оламан. Шунингдек, инглиз тилини ҳам яхши ўрганганман. Тарихга қизиқаман. Орзуим бакалаврликдан сўнг магистрлик учун ҳам ўқишни давом эттириш ва илми тўхтатмаслик.

Дарвоқе, Миллий университет талабаси Ольга Чилиналар онласида ҳамма математикага қизиқади. Отаси ҳам, онаси ҳам шу соҳа мутахассисларидир. Опаси Наталя эса айни паллада Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли университетда ўқийди. У ҳам Миллий университетни тугатган. Ольга ҳам, албатта, унинг изидан боришни, математика фани бўйича тинимсиз ижод қилишни мақсадим, деб билади. Биз унинг ишларига, ўқишига муваффақият тилаймиз.

Нормурод МУСОМОВ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

қошидаги хореография махсус коллежи 2002-2003 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади.

Балет артисти, ўқиш муддати — 8 йил
Ансамбль артисти, ўқиш муддати — 5 йил,
Балет артисти бўлимига ўрта мактабнинг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Ансамбль артисти бўлимига ўрта мактабнинг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Махсус коллежда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Қуйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади:

— ректор номига ариза (ўқувчиларнинг ота-онаси томонидан қабул

комиссиясининг махсус варақаси тўлдирилади);
— ўрта мактабни тегишли синфини битирганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва таъби; — мактабдан тавсиянома;

— туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг асли ва нусхаси;
— 3x4 ҳажмдаги 5 дона фотосурат;

— № 26 шаклдаги мактаб шифокори тасдиқлаган тиббий карта;
— турар жойидан маълумотнома;
— ота-онасининг иш жойидан маълумотнома; Ихтисослик бўйича консултациялар май ойи давомида ва 20 июлдан 1 августгача ўтказила-

ди. Касбий (ижодий) синновлар 3 августдан 19 августгача ўтказилади.

Махсус коллежга қабул қилиш уч махсус (касбий) ижодий синнов асосида ўтказилади.

Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона ва тўрт маҳал овқат билан таъминланадилар.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 56-33-59, 56-33-27, 56-24-36.

Олий мактаб манзили: 700031, Тошкент ш., Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй (собик “Педагогическая” кўчаси), метронинг “Космонавтлар” бекати, 11-троллейбуснинг “Хореография Олий мактаби” бекати, 7, 8, 10-трамвайларнинг “Юсуф хос Ҳожиб” бекати.

СПОРТ —
ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, КАТЪИЯТ

Тарихий манбаларда Паркент номи жуда кўп қайд этилган. Ўзбекистон жаннати деб аталишга лойиқ юртимизнинг тоғлар билан ўралган мазкур сўлим гўшасига “Умид ниҳоллари” — 2002 мусобақасини ўтказиш ташкилий кўмитаси аъзолари ташриф буюрдилар.

Дарҳақиқат, спорт юртга ободончилик ҳамда саришталик ҳам келтирар экан. Бугунги кунда Тошкентдан Паркентга, Фарғонага йўлга чиққан киши кета-кетгунча кенг қамровдаги бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш биринчидан, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган бўлса, иккинчидан, келгусида маънавий камолотга эришган юрт фарзандларини вояга етказишни таъминлайди. Шу маънода ҳукуматимизнинг бу жаҳадаги ислоҳотлари самараси ўлароқ, ўқувчи-талабалар ўртасида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ўйинлари, “Универсиада” мусобақалари ўтказилиши халқимизнинг: “Соғлом танда — соғ ақл” деган доно нақлига жуда муносиб. Шу сабабли, спорт — ҳалоллик, ҳалоллик — маънавият эканлигини, келажак олдидаги масъулият маъзани тўғри англаган бунёдкорлар кўмагида жойларда ҳашарлар уюштирилиб, кўплаб спорт иншоотлари вужудга келтирилди. Маълумки, мусобақаларнинг рамзий машғаласи Паркентда ёндирилиб, ўқиш ва жамоатчилик ишларида илғор бўлган ўқувчи-спортчиларнинг қўлларига тутқазилади. Биз имкондан фойдаланиб, бу қай тарзда амалга оширилишини билиш мақсадида “Физика-

КЕЛАЖАКНИ
ЁРИТУВЧИ ЧУҒ

Куёш” илмий ишлаб-чиқариш маркази директори, физика-математика фанлари доктори Абдужаббор Абдурахмоновга мурожаат этдик.

— 1976 йилда яратилган Марказимиздаги оптик қурилма фақат Франциядагина мавжуддир. Унинг ўрнатилишига ўша пайтда Грузия, Украина, Озарбайжон каби кўплаб республикалар даъвогарлик қилишганди. Марказ жуда катта аниқликка эга ва зилзилаларга бардошли қилиб бунёд этилган. Марказнинг иқтисодий жиҳатдан аҳамияти жуда катта, бу ерда материалларни синтез қилиш орқали янги, нодир металллар, техник керамика материаллари олиш мумкин. Бу соҳада АҚШ, Германия, Франция, Миср, Ҳиндистон каби давлатлар билан илмий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Денгиз сатҳидан 1050 метр баландликка қурилган Марказимизга мамлакатимиздан, Марказий Осиё давлатларидан мактаб ўқувчилари, сайёҳлар тез-тез келиб туришади. Мусобақалар машғаласини

ёндириб бериш масаласига келсак, бу биз учун ғоят гурурли, масъулиятли вазифадир. Биз “Умид ниҳоллари” — 2002 дан бошлаб бу тадбирга янгилик киритдик. Қадимги зардуштийлик китоби — “Авесто”да билдирилишича, аждодларимиз олов манбаи бўлган чўғни ўчоқ кулига кўмиб асраган экан. Биз ҳам боболаримиз анъанасига содиқ қолиб, машғалани ёндириб олиш учун махсус ўчоқ ташкил этдик.

Куёшдан келаётган нур 62 та йирик ҳажмдаги ойнаванд гелиостатга, ундан концентраторга ўтиб, йиғилиб, фокусда тўпланади ва шу 2600-3000 градусдаги иссиқлик ўчоққа тушиб, “Умид ниҳоллари” — 2002 мусобақалари машғаласини ёқиб беради.

Ташкилий кўмита мутасаддилари ҳам бу ерда олиб борилган ишлардан қониқиш билдириб, бажарилиши лозим бўлган тайёргарлик ишларини 20 апрелгача тугатиб олишга қатъий қилишиб олишди. Тадбирда Ўзбекистон Халқ таълими вазири ўринбосари У. Мусаев, ХТВ Ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи, ташкилий кўмита масъул котиби Т. Муҳиддинов, Тошкент вилояти ва Паркент, Янгибозор туманлари ҳокимликлари мутасадди ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ



Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат

Mutolaa
ҲУҚУҚИЙ

БИЛИМЛАР МАЖМУИ



“Хаёт ва қонун” журналининг 2002 йил биринчи сони босмадан чиқди. Журналнинг ушбу сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А. Полвонзонданнинг “Устувор вазифалар тараққиётга хизмат қилади” деб номланган мақоласи билан бошланади.

“Конституция ва биз” рукни остида Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Аҳтам Турсуновнинг “Давлат ва суверен тенглик” сарлавҳали мақоласи берилган. Мақолада асосий Қонунимизнинг суверенитет ғоясининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи моддалари хусусида мулоҳаза юритилган. Тадқиқотчи Ф. Бобоевнинг “Дунё ва биз” рукнида берилган “Демократия” сарлавҳали мақоласи билан танишар экансиз, “Демократия нима?

Унинг аҳамияти нимада? Бизда қандай демократия шаклланыпти?” каби бир қатор саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Журналнинг мазкур сонидан аёллар жиноятчилиги масалаларига кенг ўрин берилган. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар Қ. Абдурасулованинг “Сен барибир муқадассан! Аммо...”, О. Зокированинг “Суиқасд”, Ф. Тоҳировнинг “Тажовуз”, Г. Маткаримованинг “Хаёт чироғи, умр чамани” сарлавҳали мақолаларида бевосита аёллар ҳуқуқларининг турли жиҳатлари талқин этилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан ер ости бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқи, хусусий мулк ҳуқуқи,

никоҳ масалалари, ҳуқуқий борлиқ, кўппартиявийлик мезонлари ва бошқа мавзуларда қизиқарли мақолалар берилган. Журналнинг мазкур сонидан ўрин олган тест-сабоқ ҳамда кроссворд ҳам ҳуқуқий онгни бойитишга хизмат қилади. Журнал рангли муқовада босилган бўлиб, бадиий безаги, ранглар жилоси материалларнинг мазмуни билан ўзига хос тарзда уйғунлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Хаёт ва қонун” журналининг ушбу сони ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат мезонларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Л.СОАТОВА

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР
биз кексаларни қувонтиради

Ниҳолнинг дуркун ўсишида куёш нури нечоғли керак бўлса, боланинг вояга етишида ота-онанинг ғамхўрлиги шунчалик зарурдир.

Иштихон туманидаги 31- мактабда узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда нафақа гаштини сураётган Неъматхон ота Фозилов болалик йилларини хотирлар экан, кўзларига ёш олди: — Отам Бухорода таҳсил олган, диний ва дунёвий илмлар билимдони эдилар. Отамни аравага ўтказиб (пургон арава деб аталарди у пайтларда) олиб кетдилар. Биз болалар орқасидан термулиб, дийдорига тўёлмай қолганмиз. Отамнинг айби нима эканлигини ҳали-ҳануз англаб етолмасдик. Мустақиллик шарофати билан бу сирли йўқотишлар сабабини билиш имконияти яралди. Ўша замонларда шўролар илмли, ўқимишли одамларни хуш кўрмаган. Чунки, улар халқнинг кўзини очиб қўйишдан ҳадиксираб яшаганлар. Ҳа, шўро тузуми оиламиз бошига кўп мусибатлар ёғдирди. Отамни олиб кетганларини элас-элас эслаيمان, ўшанда уч ёшда эдим. Онамни қийналганларини кўриб, кўзларини паналаб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим. Отам Фозилхон Улуғов мени ўқимишли бўлишимни жуда-жуда орзу қилган эканлар. Раҳматли онам бу ҳақда кўп гапирардилар. Шунинг учун онам менинг ўқишимга жуда катта эътибор қаратдилар. Мен дастлабки илмни муаллимим Овул ака Назаровдан олганман. Улғайганим сари рўзғор юкини онамдан ола бошладим.

Саккиз нафар фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли, ўғлим Раҳматуллохон, қизим Матлуба математика фанидан ўқитувчи.

Машойихлар: “Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамларни етим денг”, — деганлар. Мен фарзандларимни ёшлигидан одоб-ахлоқли, ўқимишли бўлишлари учун бор имкониятимни ишга солдим.

Мана, бахтли замонлар келди. Мустақил бўлдик. Президентимиз мамлакатимизда турли соҳаларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бердилар. Айниқса, ёшларга берилаётган эътибор ҳар бир кишини қувонтиради. Оиламиз билан деҳқон фермер хўжалиги ташкил қилдик. Камтарона меҳнатимиз билан халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилолсам армоним йўқ.

Биз ҳам орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин, деймиз.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

ОРЗУЛАРИ
УЛКАН ҚИЗ

Қизилтепа туманида юзлаб иқтидорли ёшлар бор. Баҳора Омонова шулардан бири.

Тумандаги Мурод Қобилов номидаги мактабда таҳсил кўраётган Баҳора 2000 йилда “Ватан саждагоҳ каби муқаддас” мавзuidaги иншолар танловида муносиб ўринга сазовор бўлганди. Тиниб-тинчимас, билимга чанқоқ қиз 2001 йил туман халқ таълими бўлими ҳамда “Қизилтепа тонги” газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Конституция — келажакимиз пойдевори” мавзuidaги иншо танловининг ҳам ғолиби бўлди. Баҳоранинг энг севган машғулоти газета-журнал, китоблар ўқиш. Вақтини ҳам беҳуда сарфлагиси келмайди. Ҳатто катта танаффус пайтларида ҳам ниманидир мутолаа қилиб турганини кўрасиз. Одоби ва камтар бу қизнинг орзулари улкан. Айни замонда гўзал шеърлар ижод қилаётган Баҳора Омонова бувиси Хадича ая ҳақида қисса ёзмоқчи.

Ҳақиқатни севадиган, тиришқоқ бу қизга нафақат маҳалла аҳли, балки мактабдошлари ҳам ҳавас

қилишади. Унга кўз тегмасин, барча орзу-ниятлари рўёбга чиқсин.

МУСАВВИРЛИККА ҲАВАС
Қалби ёшлигиданоқ мусаввирлик иштиёқи билан чулганган Ҳамза Бегмонов аввал “Баҳор” мактабиди, сўнгра Мирзо Азим Сомий Бўстоний номли билим даргоҳида тажрибали устозлардан сабоқ олди. Гўзал манзараларни тасвирлашдаги нозик диди уни янада

жўшқин ишлашга ундади. Изланиш, интилиш ютуқлар келтирди. Тўрт йилдирки, иқтидорли ёшлар танловида қатнашади. Ўтган йили Ҳамза учун ниҳоятда қувончли йил бўлди. “Коституциямиз — бахтимиз пойдевори” мавзuida чизган туркум ижодий ишлари вилоятда юксак баҳоланди. Мой бўёқда ишланган юрт манзаралари биринчи даражали дипломга сазовор бўлди.

Ҳамза Бегмонов ҳозир мактабда аъло баҳоларга ўқимоқда.

Баҳодир ЭГАМ,
журналист

ДУШАНБА, 22 АПРЕЛЬ

«УЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45-17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалар». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Узбектеlevision» намоиши: «Қушлар»
9.40 «Тўтинчи ҳокимият»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Бошқача ҳаёт». Бадий фильм.
11.35 Узбекистон телерадиокорпорацияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғулар оркестрининг концерти.
12.05 «Олам». Телеальманах.
12.35 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
13.25 ТВ анонс.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Бали, Раислар». Телевизион уйин.
15.00 М.Исмоил. «Янги ой чиққан кеча». Видеofilm. 1-қисм.
16.00 «Олтин тож». Телевизион уйин.
16.20 Кудузги сеанс: «Қандай ажиб бўлди». Бадий фильм.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунаҳлари»
18.25 «Мулк»
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотория.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Қалбимда юрт ишқи». 1-қисм.
21.45 2002 йил - Қариялари кадрлаш йили.
«Спорт» дастури:
22.15 «Миллионлар уйини»
22.45 Тазквандо бўйича Узбекистон чемпионати.
23.05 «Ахборот - дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Қўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазибаси». «Болалар шерайтидан»
10.25 «Самовий саргузаштлар». Серил. 26-қисм.
10.50 Яқшанбада қўришгунча.
11.05 «Давр хафта ичида»
11.35 Мусиқий лаҳзалар.
11.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.35 «Дарбадарлик». Бадий фильм. 4-қисм.
13.40 Автосалтанат.
13.55 Виллиам Шекспир. «Қирол Лир». Абдор Хидоятлов номидаги Узбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.20 Спорт хафтанома.
15.35 «Қирол Лир». Абдор Хидоятлов номидаги Узбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 «Ура». Телевизион бадий фильм.
17.30 Қўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
18.05 «Мултмоша»
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Гафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Узбек мултоз мусикасидан.
19.45 Ҷўта сунган юдузлар.
20.05 Ешлар овози.
20.25 Муҳаббат қўшиқлари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
20.50 Кишиқдаги тенгдошлар.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳаси». Телесериал.
23.05 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танарфус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Қўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экранни. «Дайди тўтинчи қайтисин»
18.00 «Мусиқий меҳмонхона»
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Жан Кристофф»
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-пелвис»
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул»
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида»
22.45 Кинонигоҳ «Жейн Эйр». 1-қисм.
23.40-23.45 «Хайрли тун, шахрим!»

«САКАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Қўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести»
16.20 СҒ тақдим этади: «Покахонтас». Мультсериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
17.25 М. Евдокимов хузурда меҳмонда.
18.00 «Мени кутти!»
19.00 «Рус рулеткаси». Телеуйин.
20.00 Время
20.35 «Зардор куч». Сериал.
21.40 «ТВ-да Немис туқини»
22.00 «Халқ ордли». Сериал.
22.45 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 «Тунингиз оуда бўлсин!»

30-Я КАНАЛ

До 16.55 профилактические работы
17.00 Программа передач
17.05 Документальное кино на 30-м: «Человек и море»
17.45 «Теле-хамкор»
18.05 «Петербургские тайны», телесериал
19.00 Киновечер на 30-м: «Женщина для всех», мелодрама
20.35 «Теле-хамкор»
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.20 «Ошикона», музыкальная программа
21.30 Киновечер на 30-м: «Эволюция», фантастика
23.15 «Скорая помощь», телесериал
00.00 «Спорт в полночь»
00.55 Программа передач

01Т

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.15 «Семейные узы». Сериал
9.15 Документальный детектив. «Дело обреченных». 2001 год
9.45 Поле чудес
10.45 «Ералаш»
10.50 Библиомания
11.00 Новости
11.15 Кевин Костнер в боевике «Водный мир»
12.40 «Ералаш»
13.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Семь бед - один ответ
14.35 Мультиазбука
15.00 Многосерийный фильм «Женская логика»
16.00 Большая стирка
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.25 «С легким паром!» В гостях у Михаила Евдокимова
18.00 Жди меня
19.00 «Русская рулетка»
20.00 Время
20.35 Новая «Убойная сила». Фильм 1-й. «Роль второго плана»
21.40 Независимое расследование
22.30 Ночное «Время»
22.50 «На футболе» с Виктором Гусевым
23.20 Ночная смена

01Т

2.50 - 6.00 УТРО НА РТР
2.50 03:50 04:50 05:50 ВЕСТИ-МОСКВА
3.00 04:00 05:00 ВЕСТИ
3.10 «Православный календарь»
3.15 «Семейные новости»
3.25 «Дежурная часть»
3.30 «Афиша»
3.40 «Дорожный патруль»
4.00 «Экспресс РТР»
4.20 «Национальный доход»
4.25 ВЕСТИ-СПОРТ
4.30 «Семейные новости»
4.40 «Федерация»
4.50 «Дежурная часть»
5.15 «Хроникар»
5.30 «Дорожный патруль»
5.40 «Экспресс РТР». Дайджест
6.00 ВЕСТИ
6.05 ПРЕМЬЕРА. «Наука о сверхъестественном. Жизнь на других планетах». Документальный сериал (Великобритания)
7.10 Мелодрама «Превратности женской судьбы» (Индия). 1999г.
8.00 ВЕСТИ
8.20 ПРЕМЬЕРА. Мелодрама «Жены и дочери» Телесериал (Великобритания). 9.05 ВЕСТИ НЕДЕЛИ
10.00 «Что хочет женщина». Ток-шоу с Кларой Новиковой и Еленой Яковлевой
10.30 Приключенческий фильм «Тайна старинного склепа» (Германия) 2000г.
11.00 ВЕСТИ
11.20 ВЕСТИ-СПОРТ
11.25 Мелодрама «Возвращение в Эдем». Телесериал (Австралия-США)
12.25 «Дикий ангел». Телесериал. (Аргентина)
13.20 ПРЕМЬЕРА. Дженнифер Энистон, Лиза Кудроу, Кортни Кокс, Мэтью Перри, Мэтт Ле Блан и Дэвид Швиммер в комедийном сериале «Друзья - 3» (США)
14.00 ВЕСТИ
14.20 «Город и пригород». Документальный фильм из цикла «Право на землю»
14.50 Наталья Гундарева, Анатолий Васильев, Евгений Стеблов и Игорь Верник в сериале «ЛЮБОВЬ.РУ»
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал (Австрия-Германия)
16.50 «Спокойной ночи, малыши.»
17.00 ВЕСТИ
17.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
17.55 РУССКИЙ ТЕЛЕВИЗИОННЫЙ РОМАН. Юрий Беляев, Оксана Мыслена, Николай Добрынин, Марина Могилевская, Андрей Панин и Сергей Чонишвили в многосерийном художественном фильме «Семейные тайны»
18.55 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Александр Домогаров и Владимир Ильин в детективе «Марш Турецкого». Фильм 8-й. «Ошейники для волков» Часть 1-я
20.00 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
20.30 Фильм Татьяны Алдошиной «Чечня: время собирать камни»
20.55 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. Владимир Носик, Александр Демьяненко и Александр Мартынов в детективе «Потерпевший». 1990г.

ТВ-3

9.00 «Победоносный голос верующего». Религиозная передача
9.30 «НЕУСТРАШИМЫЙ». США, 2000.
11.30 «АФЕРИСТ». Великобритания.
13.30 X/ф «КРАЙНЯЯ ПРЕДОСТОРОЖНОСТЬ». США, 1987.
15.30 «СМЕРТНЫЕ ГРЕХИ». США, 1992.
17.30 Студия «Модерн»
18.00 «СЕМЕРО ДЕТЕЙ». США, 1998.
20.00 X/ф «ЧЕГО ХОТЯТ ЖЕНЩИНЫ?»
20.00 X/ф «ЧЕГО ХОТЯТ ЖЕНЩИНЫ?»
20.00 X/ф «ЧЕГО ХОТЯТ ЖЕНЩИНЫ?»
22.30 X/ф «ПУТЕШЕСТВИЕ МЕСЬЕ ПЕРРИШОНА». СССР, 1986.
22.55 Урожайная града.
23.30 X/ф «СВИДЕТЕЛЬСТВО О БЕДНОСТИ». СССР, 1977.
24.00 Канал ОР.
24.30 X/ф «ОПЕРАЦИЯ «ОКТЯБРЬ»». США, 1998.

НТВ

5.00 «Сегодня»
5.05 УТРО НА НТВ
5.30 «Сегодня»
5.35 УТРО НА НТВ
6.00 «Сегодня»
6.10 УТРО НА НТВ
6.30 «Сегодня»
6.35 УТРО НА НТВ
7.00 «Сегодня»
